



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАЛА ШАРОИТИДА ЕРНИ ВА СУВНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИҲАСИ**

АГРОМЕЛИОРАТИВ БЮЛЛЕТЕН

НИЦ МКВК

Ғўза агротехникаси бўйича тавсиялар



ФАРҒОНА

ТУПРОҚДА ТЎПЛАНГАН ТАББИЙ НАМ БИЛАН ЧИГИТНИ УНДИРИБ ОЛИШ.

Етарли миқдорда тупроқда нам тўплаш ва чигитни яхши ундириб; ёппасига чиқариб олиш - мўл ва барвақт етиладиган пахта ҳосили олишнинг муҳим шартларидан биридир.

Фарғона вилояти фермер хўжаликларида 2010 йилда 111,6 минг гектар ерга чигит экилади. Вилоятнинг уста пахтакорлари экилган чигитни тупроқни ўз намига ундириб олиш учун чигит экишдан олдин тупроқда етарли нам тўплаш мақсадида шўри ювилган майдонлардан ташқари (шўри ювилган майдонларнинг аксариятида тупроқ нами чигитни текис ундириб олиш учун етарлидир) ерларда баҳорнинг март ойида чигит экиладиган майдонларни текислаб қатор оралиги 60 см, 90 см қилиб эгат олиб ҳар гектар ерга 550-600 м³/га ҳисобида нам суви берадилар. Ушбу нормада берилган сув тупроқнинг юқори катламида экилган чигитни тўлиқ ундириб олиш учун етарлидир. Чунки тупроқда етарли нам тўплаб кейин чигит экилишда униб чиққан ғўза ниҳоллари баққуват ва касалликка чидамали бўлади.

Лекин кўп деҳқонлар бу муҳим тадбирга етарли даражада аҳамият бермайдилар, яъни чигит қуруқ тупроққа экилиб, кейин эса унга чигит суви (баъзан бир неча марта) берилмокда (бу асосан вилоятни Қува, Фарғона, Тошлок қисман Боғдод туманларида). Чигит экилгандан сўнг берилган чигит суви тупроқни анча совитади ва зичлаб қўяди, микроорганизмлар фаолиятини сусайтиради.

Одатда чигит кеч ва сийрак униб чиқади, ғўза секин ўсиб ривожланишдан орқада қолади. Чигит экилган майдонларни ёппасига ёввойи ўтлар босади.

Чигит экилган далани бегона ўт босиши ғўза қатор орасига механизмлар билан ишлов беришни кийинлаштиради. Қўл меҳнати билан бажариладиган ғўзани чопиғи натижасида кўп ниҳоллар нобуд бўлади. Бу ҳол етиштириладиган ҳосилга катта путур етказади ва ортиқча меҳнат ва маблағ сарфланишига сабаб бўлади. Қисқача айтганда биз ўз кўлимиз билан ғўзага ноқулай шароит яратиб берамиз, кейин эса ўсимлик яхши ўсмаётир, ривожланмаётдир, ҳосил тугмаётир ва кам ҳосил бераётир деб хайрон бўламиз. Шунинг учун чигитни ерни таббий намига ундириб олиш, мўл ҳосил гарови эканини, бунинг учун эса чигит экишдан олдин албатта эгат олиб нам суви бериб кейин ерни таббий нами етарли бўлганда тупроқни 10 см.ли қатламида 14-15°с градус иссиқлик мавжуд бўлган тақдирдагина чигитни экишимиз лозим. Бундай муддат Фарғона вилоятида 1-15 апрел кунларига тўғри келади.

ЧИГИТ СУВИ БЕРИШ.

Агар чигит қуруқ тупроққа экилган бўлса ёки чигит экилгандан кейин кучли ёмғир ёғиб ер қаткалоқ бўлиб экилган чигитни текис униб чиқишига имконият бўлмаса, бундай ерларга чигит суви берилиши зарур.

Чигит суви озгина норма билан (500-550 м³/га) эгат оралатиб оқизилади, чигит экилган пушталар намиқунча суғоришни давом эттирилади. Бунда ҳар эгатдан сув қуйиш ярамайди, акс

ҳолда ер хаддан ташқари намиқади, тупроқ совиб кетиб ғўза майсаларининг ривожланишига ёмон таъсир этади.

Чигиг суви бериш учун тупроқнинг сув ўтказувчанлик хусусиятига қараб ҳар хил ораликда ўқариқлар олинади.

Сувни яхши ўтказмайдиган тупроқли ерларда бир ўқариқ билан иккинчи ўқариқ ораси 80-100м сувни ўртача ва кучли ўтказадиган тупроқли ерларда эса 60-70м қилинади.

Кўклам об-хавоси салкин келганда чигит сувини эҳтиётлик билан бериш керак, акс ҳолда чигит ва энди кукара бошлаган майсалар униб чикмай чириб кетиши, кукарган рузлар эса илдиз чириш касаллигига йуликиши мумкин.

Далада қатқалоқ қуриб кириб кетиб, уни юмшатиш учун ишлатиладиган асбоблар (култивация, шихмола мотиға) ёрдамида йўқ қилиш мумкин бўлмаганда (култивация қилинганда кесак кўчиб ғўза ниҳоллари нобуд бўлганда) ҳам чигит суви берилади. Бунинг натижасида қатқалоқ намиқиб юмшайди.

Бунда ер оби-тобига келиши билан қаторлар ва қатор оралари албатта култивация қилиниши керак. Бунда агар фермер хўжалиги ихтиёрида мавжуд бўлса, ротацион мотиға юлдузчалари ва юмшатувчи иш органлари ўрнатилган култиваторлар ишлатилади.

Юқоридаги маслаҳатларга амал қилинса чигит экилган пайкаларда ғўза ниҳоллари текис униб чиқиб, ҳар гектар ер ҳисобида етарли кўчат олинади.

Пахта агротехникаси бўйича далада амалга ошириладиган тадбирлар.

1. Ғўзани яганалаш ва унинг аҳамияти.

Ғўза навларини қандай схемада экилишидан қатъий назар яганалаш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Ғўзани яганалаш муддати асосан апрель ойи охири ва май ойларига тўғри келади. Ғўза яганалаш йули билан гектарлардаги белгиланган миқдордаги кўчат қолдирилади.

Яганалаш қайси пахта нави экилишига қарамай бир марта ўтказилади. Лекин ягана қилинган майдонлар 8-10 кундан кейин қайта текшириб чиқилиши ва белгиланган кўчат сони қолдирилиши шарт.

Ягана қилиш пайтида ҳамма навлар учун ҳам соғлом кўчатлар қолдирилиб, нозик касалланган ниҳоллар юлиб ташланади. Яганалаш вақтида ғўза тўпларини якка-якка қилиб қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Кўчат қалинлиги.

1. Унумдор ўтлоқи соз механик таркиби оғир қумоқ тупроқларда пахтанинг С-6524, Наманган-77 ва Андижон-35 навлари экилган майдонларда 80-90 минг туп, АН16, АН-514 навлари экилган майдонларга 90-100 минг туп кўчат қолдирилади.

2. Унумдорлиги камроқ оғир ва енгил қумоқ тупроқларда С-6524 ва Наманган-77 навлари экилган майдонларда 100-115 минг дона, АН-35 навидан 100 минг., АН-16, АН-514 нави 100-110 минг дона кўчат қолдирилади.

3. Унумдорлиги кам ҳамда шағали тупроқларда С-6524 ва Наманган-77 навлари экилган майдонларда 100-115 минг дона, Андижон-35 навидан 100-105 минг дона кўчат қолдирилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ғўза яганаси чигит тўлик униб чиққандан бошлаб 1-2 та чинбарг чиқаргунча тугалланиш зарур. Яганалаш муддати кечиктирилса, ҳосилдорликни гектарига 3-4 ц.дан камайтириб юбориши мумкин. Яганалашда қатор оралиғи 60 см қилиб экилган майдонларда гектарига 90-100 минг дона кўчат қолдириш учун 1 метр жойда 5-6 та, 110-120 минг дона кўчат қолдириш учун 7-8 та, гектарига 130-140 минг дона кўчат қолдириш учун эса 1-метрга 9 та кўчат қолдириш керак.

Ғўза қатор оралиғига ишлов бериш.

Чигит экилгандан сўнг 60-70 % майдонда чигит униб чиққан ва қатор оралиғи билиниб қолган майдонларда дарҳол ишлов беришни бошлаш зарур. Агар трактор ва культиватор етишмаса ғўза ниҳоллари тагини юмшатиш мақсадида қўл ёрдамида кетмон чопиги ўтказилса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан ёввойи ўтлар йўқотилади, қатқалоқ юмшатилади ва кўчат тагига ҳаво киради. Қатор ораси 60 см қилиб экилган майдонларда культивация қилиш учун культиваторни ишчи органлари қуйидагича ўрнатилади;

-иккита чекка орган ғўза ниҳолларидан 8-10 см узоқликда ва 5-6 см чуқурликда, икки жуфт орган эса 8-10 см чуқурликда ва ўртадаги ёйсимон органлар эса 15-16 см чуқурликда ўрнатилади.

-умуман культиватор органлари ишлов бераётган майдон кўчатни ҳимоя зонасини ҳисобга олмаганда 35-40 ораликни юмшатиб кетиши керак.

-қатор оралари 90 см бўлган майдонларда культивация қилиш жароёнида химоя зонаси 7-8 см ишлов эни 75 см ёйсимон ишчи органлари эгатни ўртасида 16-18 см чуқурликда жойлаштирилади. Май ойи давомида ғўза ниҳолларини ўсиши ва ривожланишига ҳамда тупроқ шароитига қараб шағали ва қумоқ ерларда 2-3 марта ҳам культивация ўтказиш мумкин.

Тавсиянома «Фермер хўжаликлари даласида сувнинг махсулдорлигини ошириш» лойиҳаси агроном-консультанти, САНИИРИ Фарғона бўлими бошлиғи қ.х.ф.н. Х. Умаров, Сирдарё-Сух ИТХБ К. Кобулов томонидан тайёрланган.